

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.20/30.12.2019.S.23.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ТОЛИПОВ АБДУҒАФФОР АБДУНАБИ ЎҒЛИ

**ЁШЛАР ОРАСИДА ЖИНОЯТЧИЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ
ИЖТИМОЙ МЕХАНИЗМЛАРИ**

22.00.02–Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по социологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract
of the Doctor of Philosophy (PhD) on Sociology Sciences**

Толипов Абдуғаффор Абдунаби ўғли Ёшлар орасида жиноятчиликни олдини олишнинг ижтимоий механизмлари.....	3
Толипов Абдуғаффор Абдунаби угли Социальные механизмы предотвращения преступности среди молодежи.....	26
Tolipov Abdug‘affor Abdunabi o‘g‘li Social implications of crime prevention among young people.....	48
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	53

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.20/30.12.2019.S.23.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ТОЛИПОВ АБДУҒАФФОР АБДУНАБИ ЎҒЛИ

**ЁШЛАР ОРАСИДА ЖИНОЯТЧИЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ
ИЖТИМОЙ МЕХАНИЗМЛАРИ**

22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
В 2018.1.PhD/Sots20 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме), Илмий кенгаш веб-
саҳифасида (info@dba.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz)
жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Алиқориев Нуриддин Сапаевич
иқтисод фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Холбеков Абдуғани Жуманазарович
социология фанлари доктори, профессор

Саифназаров Исмоил
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**«Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик
фикрини ўрганиш маркази**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви
академияси ҳузуридаги DSc.20/30.12.2019.S.23.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил « ____ »
_____ кунни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-60-80; факс: (99871) 232-60-66; e-mail: info@dba.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви
академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____-рақами билан рўйхатга
олинган). (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-61-25).

Диссертация автореферати 2021 йил « ____ » _____ кунни тарқатилди. (2021 йил « ____ »
_____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).



[Handwritten signature]

М.Б.Бекмуродов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, социология
фанлари доктори, профессор

[Handwritten signature]

Ш.М.Содиқова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, социология
фанлари доктори, профессор

[Handwritten signature]

Ф.Я.Парманов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, социология фанлари
доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё микёсида ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш, жамиятдаги жиноятчилик даражасини пасайтириш, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларга қарши курашиш ва унинг олдини олиш муҳим аҳамиятга эга. Маълумотларга кўра, дунёнинг ривожланган мамлакатларида содир этилаётган жиноятларда ёшлар улуши кўйидаги кўрсаткичга эга: Россия федерациясида 33%, Германия 35%, Англия 35%, Франция 23%, Испания 85%, АҚШ 32 % ни ташкил этади¹. Жиноятчиликнинг ўсиши нафақат ислохотлар йўлига жиддий тўсиқ бўлиши, балки бугунги стратегик мақсадларга эришишда ҳам ўз салбий таъсирини намоён этади.

Жаҳонда ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш юзасидан олиб борилаётган ижтимоий-ҳуқуқий ислохотлар негизида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўйича ишларни оптималлаштириш, оилавий ўзаро муносабатлар, ижтимоий ҳамкорликни кенгайтириш, педагогик кадрлар касбий компетентлигини ошириш, ёшларга педагогик, ижтимоий-психологик, тиббий ёрдам кўрсатиш, ўқувчиларда тарбия даражасини диагностика қилиш, жазони ижро этиш жойларидан озод этилган ёшларнинг жамиятга ресоциализацияси, ёшлар орасидаги жиноятчиликни олдини олишнинг ижтимоий механизмларини тизимли таҳлил қилиш заруратини илгари сурмоқда.

Мамлакатимизда ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, маънавий-ахлоқий дунёқарашини шакллантириш, ижтимоий фаоллигини таъминлаш борасида давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигини тўғри йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Ёшлар ўртасида жиноятчилик, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, оилавий ажралишлар, бузғунчи ва радикал оқимлар таъсирига тушиш ҳолатлари давом этаётгани, давлат раҳбари сифатида мени жиддий ташвишга солмоқда. Ўтган 5 ойда 7 мингдан зиёд ёшлар жиноят содир этгани, ҳозирги вақтда қарийб 40 минг нафар ёшлар профилактик ҳисобда тургани ҳам хавотиримиз бежиз эмаслигини кўрсатмоқда»². Ёшлар ҳуқуқбузарлигининг ижтимоий ҳодиса сифатида моҳияти ва мазмунини ўрганиш, улар ўртасида ўсиб бораётган ижтимоий бегоналашув ва ижтимоийлашув институтлари тизимининг деформацияси йўналишларида социологик тадқиқотларни амалга ошириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сон «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида», 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни

¹ <https://visasam.ru/emigration/vybor/prestupnost-v-mire.html>

² Халқ сўзи газетаси. 2021 йил 1 июль. №138 (7918).

тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 14 августдаги ПФ-3907-сон «Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 2 февралдаги ПФ-5938-сон «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 30 июндаги ПФ-6017-сон «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида», 2018 йил 27 июндаги ПҚ-3808-сон «Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январь кундаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида илгари сурилган «Ўзбекистон ёшлари – 2025» концепциясининг ишлаб чиқилишига оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш»нинг устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё миқёсида ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги муҳим назарий ва эмпирик тадқиқотлар ҳуқуқшунослик, криминология, психология, журналистика, ижтимоий психология каби соҳаларда олиб борилган.

Хорижлик олим Э.Дюркгейм томонидан ёшлар орасида жиноятчиликни олдини олиш бўйича илк тадқиқот амалга оширилган. Р.Клаурд, А.Козн, Р.Мертон, Г.Беккер, Р.Макайвер, Т.Парсонслар тадқиқотларида ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш, девиант хулқ-атвор, ижтимоий меъёрлар ва кутилаётган ҳолатлар билан мутаносиблик ёки номутаносиблик асосида аниқланиши таъкидланган³. МДХ олимларидан В.Андрухов, А.Бжассо, Р.Кульбацкий, С.Кулешова, С.Кузина, Д.Лазарев, А.Нестеров, М.Саакян, Н.Романова, Т.Подсухина, А.Терпуговлар томонидан батафсил тадқиқ этилган. Унда дунёдаги мавжуд иқтисодий инқироз ёшларнинг ижтимоий

³Дюркгейм Э. Самоубийство. Эксклюзивная классика. – М.: АСТ. 2019. – С.512.; Клаурд Р.А.. Дифференциация субкультуры // Р.А.Клаурд, Л.Е.Оулин // Социология преступности (Современные буржуазные теории). – М.: Прогресс, 1966. – С. 334–354.; Козн А. Содержание делинквентной субкультуры // А. Козн // Социология преступности (Современные буржуазные теории). – М.: Прогресс, 1966. – С. 314-321.; Мертон Р.К. Социальная структура и аномия // Р. К. Мертон // Социологические исследования. – 1992. – № 2. – С. 118–124.; Беккер. Дар страха. Как распознавать опасность и правильно на нее реагировать Серия: Саморазвитие М Альпина нон-фикшн. 2017. – С. 410.; R. Maclver The Reality of Social Evolution // R.Maclver. Society. Its structure and changes. N. Y., 1931. – P. 423-449.; Парсонс Т. О структуре социального действия. Пер. с англ. Москва Академический проект 2018. – С.435;

аҳволини ёмонлаштириши, кўплаб ёшлар учун амалга оширилмаган имкониятлар ва девиант хулқ-атвор хавфининг янада кучайишига сабаб бўлиши кузатилади⁴.

Мамлакатимиз олимларидан М.Бекмуродов, А.Умаров, Н.Алиқориев, А.Бегматов, М.Ганиева, А.Холбеков, А.Юнусовлар⁵ ёшлар социологиясига доир тадқиқотларида ёшлар девиантлиги хусусиятлари ва уларнинг янги меъёр яратиш жараёнларига эътибор қаратадилар. Шунингдек, ёшлар ўртасида жиноятчиликни олдини олишнинг ҳуқуқий муаммолари М.Рустамбаев, М.Усмоналиев, А.Якубов, Р.Кабулов, Т.Файзуллаева каби олимлар томонидан ўрганилган⁶. Мазкур тадқиқотларда ёшлар ўртасида наркотик моддаларга, ичкиликбозлик ва кашандаликка мойилликнинг мавжудлиги, уларнинг маънавий-руҳий ҳолатидаги ёшларга хос бўлган беқарорлик кайфиятида салбий ҳолатларнинг таъсир этиши натижасида ҳуқуқбузарлик, безорилик ва жиноятчиликнинг кучайиб, турли хавфли касалликлар кўпайиб кетиши мумкинлиги ҳуқуқий амалиёт нуқтаи назаридан батафсил таҳлил қилинган.

Мамлакатимизда олиб борилган тадқиқотларда ёшларда кузатиладиган девиант хулқ-атворнинг турли кўринишлари, гиёҳвандлик, кашандалик, ичкиликбозлик каби иллатларнинг профилактикаси оила, мактаб ва мактабдан ташқаридаги педагогик жараёнлар таҳлил этилган бўлса-да, бироқ муаммонинг Ўзбекистон шароитида ёшлар орасида жиноятчиликни олдини

⁴ Андрухов В.А. Структурные уровни контроля и противодействия молодежной преступности в современной России и регионе: автореф. дисс. ... канд. соц. наук. – Краснодар, 2009. – С. 25.; Бжассо А.М. Социальный контроль преступности несовершеннолетних в современной России: дисс. ... канд. соц. наук. – Новочеркасск, 2001. – С. 133.; Кульбацкий Р.А. Изменение структуры и социальных характеристик преступности в современной России: дисс. ... канд. соц. наук. – Новочеркасск, 2002. – С.142.; Кулешова С.Н. Криминализация молодежной среды российского общества: социокультурный аспект: дисс. ... канд. соц. наук. – Ставрополь, 2009. – С. 177.; Кузина С.И. Социологические проблемы статистического анализа социальной сущности преступности: Комплексное исследование: дисс. канд. соц. наук: 22.00.04. – Черкесск, 2001. – С.154.; Лазарев Д.А. Молодежный экстремизм в условиях трансформирующегося российского общества: проблемы профилактики и противодействия: дисс. ... канд. соц. наук. – Краснодар, 2018. – С.172.; Нестеров А.Ю. Социальная адаптация несовершеннолетних осуждённых в УИС России: исправительные и постпенитенциарные практики: автореф. дисс. ... докт. соц. наук. – Москва, 2019. – С.63.; Саакян М.В. Правовая культура студенческой молодежи как фактор предупреждения преступности в современном обществе: социологический анализ: дисс. ... канд. соц. наук. – Майкоп, 2010. – С.169.; Романова Н.М. Социальная детерминация подростковой преступности: сексуал. насилие: дисс. ... канд. соц. наук. – Саратов, 1998. – С.152.; Подсухина Т.В. Преступность несовершеннолетних: социальные детерминанты и проблемы профилактики: дисс. ... канд. соц. наук. – Иваново, 2003. – С.184.; Терпугов А.А. Подростковая преступность в России: социокультурный анализ: автореф. дисс.... канд. соц. наук. – Майкоп, 2018. – С.22.

⁵ Бекмуродов М. Заминавий бошқарув социологияси. Монография. – Т.: Yoshlar nashriyot uyi, 2020; Умаров А.А. Ижтимоий-маданий тараққийни таъминлаш ва комил инсон шахсини шакллантиришда мутолаанинг роли. Соц. фан. док... дисс. автореферати. – Тошкент, 2005; Алиқориев Н. Ўзбекистонда социологик тадқиқотлар ва илмий мактаблар // Республика илмий-амалий анжуман материаллари. 1-китоб. – Тошкент, 2010; Бегматов А. Маънавий фалсафаси ёхуд И.А.Каримов асарларида янги фалсафий тизимнинг яратилиши. – Тошкент: Шарқ, 2000; Ганиева М. Совершенствование системы подготовки специалистов по социальной работе в вузах Узбекистана: проблемы и новые возможности // Материалы Международного Форума «Духовно-нравственные основы общества в системе социальной поддержки детства и семьи». – Ташкент: РЦСАД, 2012. – С. 238-241; Холбеков А., Матибоев Т. Ижтимоий адолат ва демократия: барқарор тараққий йўлида. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. Юнусов А. Ўсмир-ёшларда ижтимоий девиантлик ҳолатларининг социологик хусусиятлари. Соц. фан. ном... дисс. автореферати. – Тошкент, 2004

⁶ Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм. – Тошкент: Илм-зиё, 2006; Усмоналиев М. Ҳозирги замон жиноят ҳуқуқи муаммолари. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2006.; А.Якубов, Р. Кабулов ва бошқ. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004; Файзуллаева Т. Цели принудительных мер медицинского характера // ТДЮИ Ахборотномаси. – 2008. – №2. – Б.60.

олишнинг ижтимоий механизмларини социологик тадқиқотлар тизимида атрофлича тадқиқ этиш долзарб, илмий-амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон миллий университетининг илмий тадқиқот ишлари режасининг 2018-2020 йилларга мўлжалланган ПЗ-2017093020 «Олий ва ўрта махсус таълим тизимини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва прогнозлаштиришнинг услубий асосларини ишлаб чиқиш ва комплекс дастурини яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон шароитида ёшлар орасида жиноятчиликни олдини олишнинг ижтимоий механизмларини тизимли такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ёшлар фаолиятида девиант (оғувчан) хулқ-атвор ва криминал субмаданиятнинг намоён бўлиши, унинг динамик ўзгаришларига импульс берувчи негатив омилларни аниқлаш;

ёшлар орасида жиноятчиликни олдини олишнинг социал муаммоларини аниқлаш ва уларни бартараф этишнинг замонавий усул ҳамда ёндашувларини белгилаш;

ривожланган давлатларнинг ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги тажрибаси ва улардан самарали фойдаланиш заруратининг назарий ва эмпирик асосларини ёритиш;

Ўзбекистонда ёшлар жиноятчилиги ҳолати ва динамикасининг ижтимоий механизмларининг илмий-амалий таҳлилини бериш;

ҳозирги давр ёшларининг ҳуқуқий нормаларга нисбатан хулқ-атвор девиациясини бартараф этишнинг социомаданий таҳлилини олиб бориш;

Ўзбекистонда вояга етмаган жабрланувчилар ва жиноятчиларнинг қаровсизлиги ва назоратсизлигининг олдини олиш муаммоларининг интеллектуал ечимлари ва инновацион йўналишларини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон ёшлари орасида жиноятчиликнинг олдини олишнинг ижтимоий механизмларини такомиллаштириш билан боғлиқ социал муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олишнинг ижтимоий механизмларини такомиллаштиришга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларни қўллашнинг социал амалиёти ҳамда «Жиноятчилик социологияси» фанидаги концептуал ёндашувлар ва илмий-назарий қарашлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда қиёсий, тузилмавий-функционал таҳлил, моделлаштириш, статистик таҳлил, сифатли ва миқдорий тадқиқот методлари: анкетали сўров ва ички кузатув каби илмий тадқиқот усуллари қўлланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ёшлар орасида девиант хулқ-атвор ва криминал субмаданиятнинг намоён бўлиши орқали унинг динамик ўзгаришларига импульс берувчи (ёшлар

орасида девиантлик кўламининг ўсишини белгилайдиган макро ва микро муҳит ривожланиши) омиллар аниқланган;

ёшларнинг жамиятдаги меъёрлардан оғиш ҳолатларини бартараф этишда социостази воситаси (авлодлараро ўзаро таъсирчан муносабатга киришиш) асосида шаклланивчи жамоавийлик, ворисийлик, ҳамжиҳатлик каби миллий ментал хусусиятларнинг регуляцион таъсири асосланган;

жиноятчиликни таснифлашда бирламчи социологик маълумотларни қайта ишлаш усулларида фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиб, ёшлар орасидаги ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий илдизлари очиб берилган;

жамиятдаги позитив ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлган ёшларнинг қадриятли мўлжалларини шакллантирувчи ижтимоий-ҳуқуқий компетентлик, маънавий-ахлоқий масъулиятни мустаҳкамлаш асосида уларнинг ижтимоий мақомини (даромади, таълим, турмуш тарзи, оила даромади, касби, маданий дунёқараши) ошириш мезонлари асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш йўллари такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

ёшлар орасида жиноятчиликни олдини олишнинг замонавий услублари, уларни такомиллаштириш дастури таклиф этилган;

ривожланган давлатларнинг ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги тажрибаси ва улардан самарали фойдаланиш зарурати фактологик маълумотлар асосида очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий-услубий ва илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, ўтказилган социологик сўровнома, хулосалар, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти мамлакатимизда ёшлар жиноятчилигининг ҳолати ва динамикасига доир муаммо ва вазифаларнинг назарий ва эмпирик асосларини ёритишнинг қиёсий (глобал-миллий) ва функционал таҳлил этилганлиги, ёшлар муаммолари билан шуғулланувчи давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда жамоат бирлашмалари аъзолари учун тавсиялар ишлаб чиқишда манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий ва ўрта махсус ўқув юртларида «Фуқаролик жамияти», «Таълим социологияси», «Ёшлар социологияси», «Шахс ва жамият» каби ўқув фанларига дарслик, ўқув кўлланма ва услубий тавсиялар тайёрлашда ҳамда ёшларга доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон шароитида ёшлар орасида жиноятчиликни олдини олишнинг ижтимоий механизмлари бўйича олинган натижалар асосида:

ёшлар орасида девиант хулқ-атвор ва криминал субмаданиятнинг намоён бўлиши, унинг динамик ўзгаришларига импульс берувчи (ёшлар ўртасида девиантлик кўламининг ўсишини белгилайдиган макро ва микро муҳит ривожланиши) омиллар аниқланганлиги борасидаги хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтидаги 5710100 – Махсус вазифаларни бажариш кўшинларнинг тактик кўмондонлиги, 5710200 – Хизмат фаолиятини психологик таъминлаш, 5710300 – Аниқловчи ва кўриқловчи электрон тизимларни ташкил этиш ва фойдаланиш бўйича кўмондонлик-муҳандислиги, 5740100 – Ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш ва бошқаришнинг кўмондонлик-муҳандислиги таълим йўналишларида ўқитиладиган «Фуқаролик жамияти» ўқув кўлланмасининг «Коррупцияга қарши кураш – фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг устувор шарти» номли VIII боби ҳамда «Фаол фуқаролик позициясига эга бўлган ёш авлодни тарбиялашнинг асосий йўналишлари» номли XIII бобларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 8 январдаги 89-03-98-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар «Фуқаролик жамияти» фани мазмунини такомиллаштириш ва ўқитиш сифатини ошириш имконини берди;

ёшларнинг жамиятдаги меъёрлардан оғиш ҳолатларини бартараф этишда социостази воситаси (авлодлараро ўзаро таъсирчан муносабатга киришиш) асосида шаклланувчи жамоавийлик, ворисийлик, ҳамжиҳатлик каби миллий ментал хусусиятларнинг регуляцион таъсирига оид таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори¹-илоvasи дастурининг V боб «Маънавий-маърифий тарғибот ишлари самарадорлигини оширишга қаратилган илмий-тадқиқот тадбирлари»нинг 20-банди «Жамиятда диний экстремизм ва терроризмга қарши ижтимоий профилактика механизмларини такомиллаштириш»ни тайёрлашда фойдаланилган (Республика маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 1 январдаги 03/07-25-сон, 2021 йил 04 январдаги 03/07-25-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар жамиятда диний экстремизм ва терроризмга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш имконини берган;

жиноятчиликни таснифлашда бирламчи социологик маълумотларни қайта ишлаш усулларида фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиб, ёшлар орасидаги ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий илдизлари очиб берилганлигига оид таклифлардан «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан 2018 йилда «Ўзбекистон ёшлари: ҳаётий кадриятлар, ахлоқ, ижтимоий йўналишлар» мавзусида ўтказилган социологик тадқиқотлардаги анкета «А» блокида 4 та, «В» блокида 4 та, «С» блокида 3 та саволларни тузишда фойдаланилган («Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг 2020 йил 21 майдаги 01-16/147-2-сон маълумотномаси). Бу мамлакатимизда ёшлар фаолиятига

ижтимоий-ҳуқуқий, психологик, тиббий ва педагогик ёрдам кўрсатишга доир жамоатчилик фикрини ўрганиш механизмларини такомиллаштириш имконини берган;

жамиятдаги позитив ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлган ёшларнинг кадриятли мўлжалларини шакллантирувчи ижтимоий-ҳуқуқий компетентлик, маънавий-ахлоқий масъулиятни мустаҳкамлаш асосида уларнинг ижтимоий мақомини (даромади, таълим, турмуш тарзи, оила даромади, касби, маданий дунёқараши) ошириш мезонлари асосланганлигига оид таклифлардан «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг «2018-2020 йиллар давомида ёшларга оид давлат сиёсати ва баркамол ривожланган авлодни шакллантириш» мавзусида 2018 йил 4 январдаги 3-сонли буйруғига асосан амалга оширилган социологик тадқиқот ишларида фойдаланилган. («Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг 2020 йил 21 майдаги 01-16/147-2-сон маълумотномаси). Бу ёшлар тарбиясида замонавий таснифини белгиловчи социал муаммолар таҳлилининг устувор йўналишларини белгилашда, шунингдек, ёшларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этишда методологик манба сифатида хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари республика миқёсида ўтказилган 12 та илмий-амалий конференция, 3 та халқаро илмий анжуманларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш нашр этилди. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та (3 та республика, 1 та хорижий журналларда) мақола, 15 та халқаро ва республика илмий-амалий анжуманлари тезисларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 145 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазибалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Ёшлар фаолиятида девиант (оғувчан) хулқ-атвор ва криминал субмаданиятнинг намоён бўлиши» деб номланган биринчи бобида ёшлар фаолиятида девиант (оғувчан) хулқ-атвор ва криминал субмаданият намоён бўлишининг концептуал мазмуни ва ёшлар орасида жиноятчиликни олдини олишнинг социал муаммолари таснифи тарихий илдишларини ёритишга алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур бобда ривожланган давлатларнинг ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги тажрибаси ва улардан самарали фойдаланиш зарурати миллий ва умуминсоний тамойиллар асосида ёритилган.

Ҳозирги даврда ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш масаласи ҳал этилиши бутунжаҳон ҳамжамияти манфаатдор бўлган глобал муаммолар сирасига киради. Бу эса ўсиб келаётган ёш авлоднинг жамият яшовчанлигини таъминлашдаги муайян роли билан изоҳланади. Вояга етмаган ёшлар жиноятчилиги, ҳатто, энг демократлашган ва иқтисодий ривожланган давлатлар учун ҳам хос⁷. Бу вояга етмаган ёшлар жиноятчилиги муаммоларини фақат миллий воситалар орқалигина ҳал этиш мумкин эмаслигини исботлаб беради, бутун дунё ҳамжамияти кучларини бирлаштириш зарурлигини ифодалайди ҳамда ушбу муаммони ҳал этишга йўналтирилган норма ва стандартлар тизимининг юзага келиши ҳамда ривожланишига имкон беради. Шу муносабат билан 2017 йил 19 сентябрда АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, айтилган тарихидаги энг кўп ёшлар қатлами билан яшаётганимизни инобатга олган ҳолда «Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенция»ни қабул қилишни таклиф қилган эди. Ш.Мирзиёев бунга асос қилиб, ёшларнинг сони икки миллиарддан ортгани, халқаро терроризм ва экстремизм шиддат билан ўсиб бораётган бир пайтда ёшларга ҳимоя зарурлигини муҳим омиллар сифатида кўрсатган эди⁸. Шу сабабли ҳам ёшлар тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Улар онгидаги бўшлиқни бартараф этиш бўйича аниқ амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Зеро, Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «Мафкура соҳасида бўшлиқ деган нарсанинг ўзи ҳеч қачон бўлмайди. Чунки, инсоннинг

⁷ Проблемы предупреждения и расследования преступлений: прошлое и настоящее. Профессору Геннадию Федоровичу Горскому посвящается / под ред. В. А. Панюшкина. – Воронеж: Издательский дом ВГУ, 2014. – С. 700.

⁸ <http://www.uzbekembassy.in/address-by-the-president-of-the-republic-of-uzbekistan-shavkat-mirziyoyev-at-the-international-conference-on-afghanistan-peace-process-security-cooperation-and-regional-collaboration/>

қалби, мияси, онгу тафаккури ҳеч қачон ахборот олишдан, фикрлашдан, таъсирлардан тўхтамайди. Демак, унга доимо маънавий озик керак. Агар шу озикни ўзи яшаётган муҳитдан олмаса ёки бу муҳит уни қониктирмаса, нима бўлади, айтинглар? Бундай озикани у аста-секин бошқа ёқдан излайди. Шунга йўл бермаслигимиз керак»⁹.

«Девиант хулқ-атвор» тушунчаси жамиятда рўй бераётган жараёнларга мос равишда, инсоннинг шахсга оид жиҳатлари ва унинг ижтимоий тузилмадаги ролини ўрганувчи турли гуманитар фанларда қўлланилади. Шундай қилиб, девиантлик муаммолари тадқиқоти доирасига ушбу муаммонинг назарий платформасига муқобил ёндашувни талаб қилувчи фанлараро тадқиқотларни киритиш мумкин. Турли кўриниш ва шаклдаги ижтимоий девиацияларни тавсифлаш ва улар сабабларини изоҳлашга кенг кўламдаги ижтимоий адабиётлар бағишланган. Социологлар фикрича, девиациянинг маъноси ижтимоий санкцияларни юзага келтирувчи нормалардан бош тортишдан иборат.¹⁰ Хулқ-атвордаги меъёрдан оғишларни ўрганиш жараёни ўз тарихига эга. Платон ва Аристотель ўз даврида инсонларнинг турли хил хулқ-атворларини изоҳлашга ҳаракат қилган¹¹. Ўрганилаётган тушунчанинг мураккаблиги ҳамда, унинг фанлараро характерга эга эканлигини таъкидлаш ўринлидир. Ҳозирги вақтда аксарият социолог, психолог ва ҳуқуқшунослар томонидан атамадан икки асосий мазмунда фойдаланиш тенденцияси устувор аҳамият касб этади. Шу боисдан ҳам биринчидан, девиант хулқ-атвор расман ўрнатилган ёки ҳақиқатда ушбу жамиятда юзага келган меъёрларга мос келмайдиган муомала ва инсон ҳаракати маъносида фанлараро тадқиқот предмети сифатида намоён бўлади. Иккинчидан, инсон фаолиятининг оммавий ва мустаҳкам шаклларга нисбатан ифодаланувчи ва расман ўрнатилган ёки ушбу жамиятда ҳақиқатда мавжуд бўлган меъёрлар ва умидларга мос тушувчи ижтимоий кўриниш маъносида ўзига хос талқинга эга¹².

Девиант (оғувчан) хулқ-атвор ҳақида В.Н.Кудрявцев томонидан таклиф этилган тавсиф ҳам мавжуд: «Девиант (оғувчан) хулқ-атвор – жамиятда қабул қилинган ҳуқуқий ёки ахлоқий нормаларга зид бўлган хулқ-атвор, жинойий ёки ахлоқсиз хулқ-атвор; шахснинг ноижтимоий ривожланиши натижаси, унга ноҳуш ижтимоий вазиятларнинг таъсири, салбий ижтимоий омилларнинг “шахс заиф жойларига” қўйилиши»¹³.

⁹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1–жилд. – Тошкент.: Ўзбекистон. 2017. – Б. 484.

¹⁰ Шевченко А.М. Ресоциализация в России (социокультурные модели). Монография. – Ростов на-Дону, 2003. С. – 32.

¹¹ Анисин А. Л. Девиация как проблема философии. [Электронный ресурс]. <http://www.a-l-anisin.narod.ru> (дата обращения: 25.04.2013); Аристотель. Сочинения в четырех томах. Т.4. -М.: Мысль, 1984. - С. – 137 - 138.

¹² Змановская Е. В., Рыбников В. Ю. Девиантное поведение личности и группы. 3-е изд., доп. и испр. Серия «Учебное пособие» Санкт-Петербург Питер 2019. - 352 с.; Сибони Даниэль. Извращения. Диалоги об актуальных безумствах. Серия: Проблемы психоанализа. М. Городец 2018. 386с.; Менделевич В.Д. Психология девиантного поведения. Учебное пособие для вузов. СПб. Речь. 2008. 445 с.; Дячук Е.В. Отклонение от последовательного развития исполнительного производства : диссертация ... кандидата юридических наук. - Саратов, 2005. - 188 с.

¹³ Криминология: учебник / под ред. В.Н. Кудрявцева, В.Е. Эминова. 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Юристъ, 2004. – С. 237.

Хуллас, девиант (оғувчан) хулқ-атворнинг юксалувчи динамикаси ҳуқуқий-маданий қадриятлар ва ахлоқ нормалари тизими орқали мафкуравий жиҳатдан қатъий белгиланмаган ва беқарор жамиятдаги ижтимоийлаштириш натижаси саналади. Мисол учун, бугун глобаллашув жараёни натижаси ўлароқ, мавжуд стереотип ва қадриятларнинг шиддат билан қадрсизланиши ва янгилари шаклланиши цикли тобора қисқариб бормоқда. Натижада, миллионлаб кишилар бир неча хил қадриятлар тизими оралиғида, эътиқод қўйган қадриятлари қадрсизланиши шароитида ўз маънавий-руҳий ўзлигини қайта ва қайта кашф этишдек руҳий азоблар гирдобиди қолмоқда. Мазкур жараён маънавий-руҳий бегоналашув тенденциясининг авж олишига, алал-оқибат, ўз миллий қиёфасидан маҳрум, девиант хулқ-атворга мойил жамоалар шаклланишига замин ҳозирламоқда. Мазкур ҳолат ҳам жамиятдаги миллий муносабатлар барқарорлигига жиддий хавф туғдириши муқаррар. Таъсир этишининг нозик ва қудратли қуролига айланган реклама, мода каби воситаларнинг миллат онги, айниқса, ёшларга салбий таъсири ҳар қадамда кўзга ташланмоқда. Граффития, татуировка каби девиант хулқ-атворнинг субъектларига ёшларнинг тақлиди ва қўшилишиб жазавога тушиши маънавий қарамликдан далолат бермайдими? Қолаверса, кейинги пайтларда баъзи ёшларимизнинг хорижий мамлакатлар давлат байроқлари туширилган ёки уларнинг номлари ёзилган қўйлақларни кийиб юришлари оммавийлашиб кетаётганлиги кўзга ташланмоқда. Айниқса, уларнинг кўпчилиги ўқув даргоҳлари ўқувчиси ёки талабалари эканлиги кишини ажаблантиради. Чунки мамлакатимизнинг таълим тизимида асосий эътибор ёшларда миллий ғурур, ифтихор, ватанпарварлик каби туйғуларни уйғотишга қаратилган¹⁴. Бу каби ҳолатларда ёшлар билиб-билмасдан ўша мамлакат турмуш тарзини оммавийлаштириб боради. Бу ёзувлар орқали инсон қалбига, онгига, маънавий қиёфасига ўша мамлакатларнинг ҳаёти, кийиниши, турмуш тарзи, одоб-ахлоқи, анъана ва қадриятлари сингиб кетади. Жиноятчилик феноменини социологик жиҳатдан таҳлил қилиш ижтимоий сабабларни таҳлил қилишни ҳам, жиноятга етакловчи омилларни ҳам, жиноятчи шахсининг ижтимоий-типологик хусусиятларини ўрганишни ҳам, турли кўринишдаги девиациялар шаклланиши учун озиқлантирувчи муҳит сифатидаги криминал субмаданиятларни ҳам, ижтимоий ҳодиса сифатидаги жиноятлар учун жазолаш муаммоларини ҳам назарда тутати. Криминология бўйича адабиётларда жиноятчиликнинг умумий, турга оид тушунчаси билан бир қаторда унинг алоҳида турлари ҳам ажратиб кўрсатилади. Масалан, совет криминологияси бўйича ёзилган дастлабки дарсликлардан бирида жиноятчилик пайдо бўлиши хусусий мулк вужудга келиши, жамиятнинг синфларга табақаланиши ва давлат ҳокимияти пайдо бўлиши билан боғлиқ ижтимоий ва тарихий ҳодиса сифатида ўрганилган. Бир вақтнинг ўзида унинг рецидив, вояга етмаганлар жиноятчилиги, шунингдек, қатор жиноятларнинг криминологик хусусиятлари: давлат ва жамият мулкининг талон-торож қилиниши, қасддан содир этилган қотиллик; безорилик, ўғирлик, талончилик, босқинчилик каби турлари айтиб ўтилган. Э.Дюркгейм таъкидлашича,

¹⁴ Отамурастов С. Глобаллашув ва миллат. – Т.: Янги аср авлоди. 2008. – Б.166.

«Жиноятчиликнинг у жамият учун хос бўлган муайян тур даражасига етиши, лекин ундан ортиб кетмаслиги шарти билан мавжуд бўлишининг ўзи меъёрий (нормал) ҳолат ҳисобланади»¹⁵. Криминология ва социологиянинг жиноятчилик ҳамда жиноятларни содир этишга бўлган ёндашувлари турлича. Криминология учун жиноятчиликни давлат қонунлари билан тақиқланган ва муайян ҳудудда маълум вақт ва маълум шароитда содир этилган ҳаракатлар йиғиндиси сифатида ўрганиш хос.

Кишилиқ жамиятида жиноятчиликка қарши кураш доимо ахлоқ-одоб қоидалари воситаси билан бир қаторда турлича жазоларни қўллаш орқали амалга оширилиб келинган. Барча давлатлар ва ҳамма даврларда жиноят деб ҳисобланган ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатлар қўлами ҳам, улар учун белгиланган жазо чоралари ҳам бир зайлда бўлган эмас¹⁶.

Хуллас, ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика қилишнинг умумижтимоий чора-тадбирларини назорат қилишни шартли даражаси доирасида масъул шахслар амалга оширадилар. Бугунги кунда ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган ёшлар дастурлари ҳудудий даражада ишлаб чиқилган. Уларни махсус тадбирлар тўлдиради, улар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин: масалан, ҳудудий ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган, ёшлар жиноятчилигини профилактика қилиш бўйича махсус дастурларини ишлаб чиқиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар иши, ижтимоий ва диний ташкилотлар ролини ошириш. Оила даражасида криминоген омилларга превентив таъсир кўрсатишнинг турли шаклларида фойдаланиш, масалан, фарзандлари бўлган аёллар учун мослашувчан иш графигини кенг қўллаш ёки аёлларнинг қисман бандлигини таъминлаш, ижтимоий мослаша олмаслик ва руҳий зўриқиш ҳолатлари шароитида оилаларга ёрдам кўрсатиш дастурлари ишлаб чиқиш ва амалга ошириш муҳим ҳисобланади.

Тадқиқотнинг иккинчи боби «**Ўзбекистонда ёшлар жиноятчилигидан огоҳлантириш омиллари ва уларни профилактика қилишнинг ижтимоий-ҳуқуқий механизмлари**» деб номланган бўлиб, унда Ўзбекистонда ёшлар жиноятчилигининг ҳолати ва динамикаси: муаммо ва вазифалар, шунингдек, ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олишда ҳуқуқий онг ва маданиятнинг ўрни ва жамиятда ёшлар жиноятчилигининг ўсиб боришига таъсир қилувчи ижтимоий-иқтисодий омилларнинг муносабатлари янгиланишидаги миллий парадигмани ижтимоий жиҳатдан тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилган.

Истиқлол йилларида ёшларнинг турли жамоат ташкилотлари ва нодавлат тизимлари, аҳоли билан ишлаш усуллари, қамраб олинган мавзулар қўлами жиҳатидан кескин ўзгарди, янги босқичга кўтарилди. Агар собиқ Иттифоқ даврида ёшлар қўмиталари маиший, ёшлар таълими ва меҳнат фаолияти билан боғлиқ муаммолар ечими доирасида фаолият олиб борган бўлса, ўтиш жараёнининг ўзига хосликлари ва қийинчиликлари мутасадди ташкилотлар зиммасига қатор янги жараёнларга тааллуқли психологик ёки иқтисодий

¹⁵ Дюркгейм Э. Нормы и патология // Социология преступности. М., 1966. – С. 39-40.

¹⁶ Абдумажидов Ғ. Оғир жазолар самара бермайди // ТДЮИ Ахборотномаси. – 2007. – №1. – Б 55.

танглик билан алоқадор муаммоларни ҳал этиш вазифасини юклади. Мазкур муаммолар сирасига ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг кескин ошиши, ёшлар саломатлигининг заифлашуви, ижтимоий, венерик ва юқумли касалликлар кенг тарқалиши, ёшлар наркоманияси, фоҳишабозлик, ўз жонига қасд қилиш, вояга етмаган қизларнинг турмушга узатилиши, ишсизлик, ёшлар моддий аҳволининг пасайиши, ёшлар орасида диний фанатизмнинг кучайиши, трафик, яъни одам савдоси, билим ва таълим моҳиятини тушунмаслик, тирикчилик ғами ва моддий манфаатдорликнинг биринчи ўринга қўйилиши каби ўнлаб зудлик билан ўз ечимини талаб этаётган масалаларни киритиш мумкин.

Мамлакатда амалга оширилаётган ёшлар давлат сиёсатининг бош мақсадларидан бири ёшларни давлат ва жамият қурилишига кенг жалб этиш, демократик ислохотлар жараёнида улар манфаатдорлигини оширишдан иборат. Шу нуқтаи назардан, ёшлар нодавлат ташкилотлари ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, маънавий-ахлоқий дунёқарашини шакллантириш, ижтимоий фаоллигини таъминлаш, уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш орқали жамиятнинг энг муҳим негизи бўлган оилаларни мустаҳкамлаш, ёшларни гиёҳвандлик, токсикомания, алкоголизм, ОИТС каби зарарли таҳдидлардан асраш борасида давлат тизимларига кўрсатадиган ёрдами чексиз. Шунингдек, ёшлар орасидаги салбий ҳолатлар – боқимандалик, тушкунлик, ўзини жамият янгилашиш жараёнларидан четга олиш, зиддиятларга мойиллик, ҳаётга эгоистик қараш, моддий манфаатдорликнинг ҳаёт мазмунига айланганлиги, қийинчиликлардан қочиш, ютуқларни кўра билмаслик ва тан олмаслик, субутсизлик, жиноятчилик каби бузғунчи иллатлардан жамиятни тозалаш фаолиятида ҳам нодавлат ташкилотларининг ўрни катта. Шу туфайли, ёшлар нодавлат ташкилотлари фаолиятини аниқ ижтимоий мақсадларга йўналтириш давр талаби бўлиб бормоқда. Айни пайтда ёшлар нодавлат ташкилотларининг мамлакат марказида жойлашганлиги, чет қишлоқларда ёшлар ҳаракатларининг сустиги ўз ечимини кутаётган муаммолардан саналади.

Вояга етмаган ёшлар жиноятчилигининг ижтимоий назорати – у қисман ишга лаёқатли бўлган ва бирламчи ижтимоийлашувни ўтовчи фуқаролардан иборат бўлган илк ёшга оид гуруҳлар индивидларининг ижтимоий хавфли хулқ-атворини ижтимоийлаштирувчи жамоалар ва давлат жиной-ҳуқуқий органларига қарши ҳаракатланувчи жараён. У вояга етмаган ёшлар жиноятчилигига қарши ҳаракатланар экан, превентив ва реабилитацион вазифаларни бажаради, жиноятчиларни жазолайди, конформизмни рағбатлантиради.

Депривация назарияси вояга етмаган ёшлар жиноятчилигини улар оиласининг қашшоқлиги билан изоҳлайди. Агар оилада болага нисбатан назорат сусайса, оила қашшоқлиги ўсмирлар жиноятига олиб келишини назария ҳисобга олмайди¹⁷. Маргиналлик назарияси вояга етмаган ёшлар жиноятчилигининг ижтимоий ҳаётга интеграциялашмаганини изоҳлайди. Назария ижтимоийлашув институтларининг конвенционал назоратини ҳисобга

¹⁷ Уманская Е.Г. Развитие личности в условиях депривации. Монография. – М.: Прометей, 2013. – С.148.

олмайди¹⁸. Субмаданиятлар назарияси болалар ва ўсмирлар жиноятчилиги жамиятнинг ҳукмрон маданиятида ёвузлик ҳисобланувчи микромуҳит кадриятларига содиқлигини изоҳлайди. Ушбу ҳолатда жиноят-чилик ва рамзий контекст ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқаларнинг йўқлиги ҳисобга олинмайди. Ижтимоийлашув институтларининг рамзий воситалари контрмаданиятга қарши ҳаракатланиш имкониятига эга. Барча девиация назариялари вояга етмаган ёшлар жиноятчилигига таъсир кўрсатувчи салбий ижтимоий шароитлардан далолат беради ва ижтимоий назоратнинг икки даражасини ҳисобга олмайди.

Ижтимоий фанларда вояга етмаган ёшлар жиноятчилигининг ё конвенционал назоратини, ё жиноий назоратини бўрттириб баҳолаш кенг тарқалган. Назарий максимализм ижтимоий назоратнинг ҳар икки тури эквивалент эканлиги ва миқдорий нисбийликда эканлигини ҳисобга олмайди. Жамиятдаги ижтимоий маконда улар бир-бирига нисбатан ортиб ва камайиб, кучайиб ва заифлашиб боради.

Ёшлар нодавлат ташкилотларини ривожлантириш, фаолиятини рағбатлантириш, уларга катта имконият ва имтиёзлар тизимини ишлаб чиқиш, маҳаллий ҳокимиятлар доирасида ёшлар ташаббусларига эътиборни кучайтириш масалалари муҳим вазифалардан ҳисобланади. Фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида ёшлар учун кенг имкониятлар яратиш давлатчилик асосларини янги тамойиллар негизида қуришнинг тўртинчи босқичига доир асосий талабдир. Фуқаролик жамияти асосларини юзага келтириш мамлакатдаги бош сиёсий концепция, яъни янги давлатчилик пойдеворини яратишга хизмат қилади. Бугунги кунда Ўзбекистонда инсонлар ҳаётини яхшилашга қаратилган Мингйиллик ривожланиш дастури мақсадларига етиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мингйиллик ривожланиш тамойилларида инсон саломатлиги, таълими ва ёшлар турмуш даражаси масалалари устувор йўналиш қилиб белгиланган.

Ҳозирги даврда жамиятда вояга етмаган ёшлар жиноятчилигининг жиноий-ижроия тизими ислоҳ қилиш ва қонунчилик тартиблаштирилишига эҳтиёж мавжуд. Ислоҳ қилишнинг муҳим йўналишлари қуйидагилардан иборат: ўқув-тарбиявий муассасалар сонининг ортиши ва уларнинг яшаш жойига яқинлашуви; ўсмирларни қамоқда тутиш шароитининг сифатли ўзгариши; психологик ва психиатрик хизматларнинг яратилиши; турли гуруҳларга мансуб тарбияланувчиларга нисбатан дифференциациялашган ҳолда ёндашиш асосида аниқ мезонларни ишлаб чиқиш ва бошқалар шулар жумласидан.

Болалар ва ўсмирлар қаровсизлиги ва ҳуқуқбузарлигини профилактика қилиш технологиялари ҳамда вояга етмаган ёшлар жиноятчилигининг тарбиявий-тузатиш ишлари амалиётини қўшимча тадқиқ қилиш зарур. Ушбу назарий муаммолар тадқиқотчилик тажрибаси орқали тўпланган нуқсонлардан бўйин товловчи ва афзалликларни умумлаштирувчи янги комплекс ёндашувларга муҳтож.

¹⁸ Маргинальность в современной России. Научные доклады. – № 121. – М.: МОНФ, 2000. – С. 206.

Хуллас, ёшлар орасида жиноятчилик ҳаракатини вужудга келтирувчи сабаблар узоқлашиши билан сабабий алоқа кучи секин-аста кучсизланади, кўплаб оралиқ сабаблар мавжудлиги деярли криминоген таъсир кўрсатиши мумкин эмас. Мазкур хусусият ўқувчилар томонидан жиноят содир этишнинг кўплаб сабаб ва шароитларидан энг аҳамиятли ва муҳим бўлган, аниқ намоён бўлган йўналишга эга бўлиб, профилактик таъсирнинг объекти сифатида намоён бўлувчи сабаб ва шароитларни ажратиб олиш бўйича оптимал қарорни танлаб олиш асосида ётади. Амалга оширилган аниқ социологик тадқиқотлар натижалари, ҳозирги кунда ўқувчилар орасида жиноятчилик белгилари вояга етмаган қонунбузарлар шахсининг, жамиятга қарши қарашлар вужудга келишининг асосий сабаби сифатида намоён бўлаётган маънавий шаклланиш номақбул шароитлари билан боғлиқ эканлигини таъкидлаш учун асос сифатида хизмат қилади; ўқувчиларнинг маънавий ва меҳнатга оид тарбиясидаги нуқсонлар ҳамда улар бўш вақтининг тўғри ташкиллаштирилмаганлиги; давлат органлари, ўқув жамоалари ва ижтимоий ташкилотларнинг болалар қаровсизлиги ва қонунбузарликлари билан курашиш фаолиятидаги хато ва камчиликлари шулар жумласидан.

Жазони ижро этиш муассасаларда жазо ўтаётган ёшлар орасида ўтказилган тадқиқот натижалари кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат. ЖИЭМда маҳкумлар жиноят содир этган вақитдаги ҳолатлари; 23.9% мактаб ўқувчилари; 4.5% академик лицей талабалари; 21.6% касб-хунар коллеж талабалари; 1.7% ОТМ талабалари; 5.7% уй бекалари; 14.2% вақтинча ишсизлар; 26.1% турли меҳнат билан банд бўлганлар ташкил этди (1-расмга қarang).



Диссертациянинг учинчи боби «Ўзбекистонда ёшлар орасида жиноятчиликни олдини олишнинг устувор йўналишлари: муаммо ва вазифалар» деб номланиб, унда ҳозирги давр ёшларининг ҳуқуқий нормаларга нисбатан хулқ-атвор девиациясини бартараф этишнинг социомаданий таҳлили ҳамда вояга етмаган ўсмирлар орасида жиноятчиликнинг олдини олишни ижтимоий-ҳуқуқий ечимлари ва Ўзбекистонда вояга етмаган жабрланувчи ва жиноятчиларқаровчисизлиги ва назоратсизлигининг олдини олиш муаммолари ижтимоий социал сўровлар асосида таҳлил қилинган. Жазони ижро этиш муассасаларда жазо ўтаётган ёшлар орасида ўтказилган тадқиқот натижалари кўрсаткичлари

кўйидагилардан иборат. ЖИЭМда маҳкумлар жиноят содир этишининг сабаблари; 35.7% моддий этишмовчилик; 15.1% ҳуқуқий билимлар пастлиги; 21.1% ишсизлик; 24.3% номаъқул дўстлар таъсири; 11.9% оилавий муҳит; 11.9% спиртли ичимликлар таъсири; 2.7% агрессив хулқ-атвор; 13% қизиқиш; 4.3% чет эл филмлари таъсири; 2.2 % криминал авторитетлар таъсири; 3.2% бошқалар томонидан мажбурлаш (2-расмга қаранг).



Ҳозирги давр ёшларининг ҳуқуқий нормаларга нисбатан муносабатларини таҳлил қилар эканмиз, атроф олами баҳолаш ва қайта баҳолаш янги мазмун ва аҳамият касб этишини, бу орқали ёшларнинг рамзий каби реал социомаданий оламини ҳам аниқлаб олиш мумкинлигини эътироф этиш жоиз. Бинобарин, социумда мавжуд бўлган қадриятларга оид ҳуқуқий тартиб хулқ-атвор ва ҳуқуқий онг модели шаклланишига жиддий таъсир кўрсатади. Айни пайтда ёшлар онгининг мамлакатдаги воқеликга ва унинг истиқболга нисбатан муносабатлари, ёшларнинг фуқаролик жамияти куриш жараёнидаги иштироки масалаларини ўрганиш социологлар тадқиқотларидаги муҳим йўналишлардан бири бўлиб қолди. Ахлоқий-тарбиявий ва ҳуқуқий нормалар ҳолатининг баҳоси социумни ривожлантиришнинг келгусидаги режаларини назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш жабҳасида улкан қизиқиш намоён этади. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаган ёшлар ишлари бўйича комиссия, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаган ёшлар ишлари бўйича комиссияларнинг тегишинча Вояга етмаган ёшлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси ҳамда вояга етмаган ёшлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар этиб қайта ташкил этилиши белгилаб қўйилди¹⁹.

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 12-сон, 184-модда, 37-сон, 982-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.10.2017 й., 06/17/5204/0114-сон, 01.12.2017 й., 06/17/5269/0340-сон, 07.06.2018 й., 06/18/5456/1316-сон, 11.07.2018 й., 06/18/5475/1489-сон, 01.10.2018 й., 06/18/5547/1975-сон.

